

1-мавзу: АМАЛИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИ. КОМПОЗИЦИЯНИНГ БАДИЙ ВОСИТАЛАРИ.

Режа:

- 1.1. Амалий санъат турлари ва уларнинг мактаблари..
- 1.2. Амалий безак санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.3. Композициянинг бадий воситалари.

1.1. Амалий санъат турлари ва уларнинг мактаблари.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз акси хусн-жамолини дунё меъморчилигида, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморчилигида намоён этиб келмоқда. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади. Ҳозирги кунда ганч серкуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб, авайлаб муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Кўкон, Марғилон, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган. Ганч қоришмаси янгилигида осон кесилади, ундан хоҳлаганча шаклларни ўйиш, яшаш мумкин, лекин у қотгандан сўнг қаттиқ тошга ўхшаб қолади. Усталаримиз унинг бу ажойиб хусусиятидан қадимдан фойдаланиб келганлар. Шу тариқа ҳозиргача бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб тарихий анъана сифатида ривожланиб борапти. Ганчкорлик – санъатимиз фахри, бекиёс ва бебаҳо хазина. Ҳеч шубҳасизки, уни чуқур ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ҳар қандай бинони безашда аввал унинг тузилишига мос ганч ўймакорлиги турини танлаш, қўллаш ўз-ўзидан муҳим аҳамиятга эга. Кичик хонага майда текис ўймакор ва унга мос бўлган пардоз тури, катта меҳмонхоналарга (залларга) эса йирик ёйма ва ўзига хос ганч ўймакорлиги қўлланилади. Ганч ўймакорлиги, йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, кирма, замини кўзгули ўйма, замини рангли

ўйма, чизма пардоз, панжарасимон ўйма, занжира, ҳажмли ўйма турларидан иборат. Бундан ташқари, ганч ўймакорлиги турлари заминли ва заминсиз ўймаларга бўлинади. Ганч қоришмаси янгилигида осон кесилади, ундан хохлаганча шаклларни ўйиш, яшаш мумкин, лекин у қотгандан сўнг каттик тошга ўхшаб қолади. Усталаримиз унинг бу ажойиб хусусиятларидан қадимдан фойдаланиб келганлар. Шу тариқа ҳозиргача бу ҳунар авлоддан авлодга ўтиб тарихий анъана сифатида ривожланиб борапти. Ганчкорлик санъатимиз фаҳри, бекиёс ва бебаҳо ҳазина. Ҳеч шубҳасизки, уни чуқур ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келган. Бу санъатнинг энг қадимги, ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсак бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-бирдан мутлақо фарқ қилади. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб, реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири ишлатилган. Эрамизнинг биринчи асрларидаёқ кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, қарвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанрлар оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиқлари сақланиб қолган. III асрда Тупроққалъанинг серҳашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган. Варахша шаҳарчасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва эрамиздан аввалги III-IV асрларда ишланган ганч ўймакорлиги намунаси топилган. Унда ўсимликсимон нақшлар, пальметта, геометрик шаклли нақшлар ганчдан ишланган. Айниқса горельефли ишланган балиқ тасвирида ўйилган ганч намунасини кўрсатиш мумкин. Варахшадаги топилмалардан VII-VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдиқларидан намуналар топилган. Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар балиқларни, ўсимликсимон ва геометрик шаклларнинг ўйма намуналарини кўриш мумкин. Ўрта Осиёни араблар босиб олганидан кейин ислом дини ҳукмрон бўлиб қолди, у тирик мавжудотни тасвирлашни таъқиқлади. Буни Ўрта Осиёдаги архитектура ёдгорликларидан кўриш

мумкин. Хусусан VII-VIII асрлардаги хукмдорларнинг Варахшадаги саройларида бу санъатнинг хилма-хил намуналари сақланган. Бухородаги Исмоил Сомонийлар мақбарасида ганч ўймакорлиги намуналарида тўлқинсимон ишланган нақшлар топилган. Унда ўсимликсимон нақшнинг ислими тури кўп ишлатилган. X-XI асрларда наққошлик, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланган. Мураккаб абстракт тасвири акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган қисмига ҳам қўйилган. Ҳар хил геометрик шакли қилиб ёшиқ териш ривожланган. Афросиёбда археологик қазишмалар натижасида X-XI асрларда ишланган саройларнинг қолдиқлари топилган. Айниқса изора (панел) ганчи топилган бўлиб, унда геометрик ва ўсимликсимон нақшнинг чуқур ўймалари ишлатилган. Ўйма чуқурлиги 2-3 см бўлган, нақш қорамтир соя ҳисобига аниқ оппоқ бўлиб кўриниб турибди. Ганч деворга қалин қилиб сувалган, нақш тасвири девор сиртига тўппа-тўғри чизилиб ўйилган. Ўша давр усталар ахтадан(улгудан) фойдаланмаганлар. Биноларнинг ташқи қисмига эса қуйма асосида ганч ишлари бажарилган. III асрларда мураккаб нақшлар пайдо бўлади. Усталар табиатдан ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирини стиллаштириб, ганч ўймакорлигида ишлатганлар. Шу деворларда ўйманинг чуқурлиги 7 мм дан ошмаган. Уйларнинг ташқи қисмига намоён, устун ва пештоқларига ганч ўйма ишлатилган. Фарғона водийсида XII асрда безак безак сифатида ҳар хил плиткасимон ўйма ганч намуналари ишлатилган. Бу биноларни ганч билан безатиш кенг авж олганлигини кўрсатади. Ўзган ёдгорликлари шартли равишда шимолий, ўрта, жанубий деб номланган мақбараларнинг интерьерлари, девор пештоқлари, равоқлари жуда ҳам нафис ўйма нақшлар билан ишланган. Мавороуннаҳрда ганчкорлик санъати, айниқса раванқ топган, меъморчиликнинг асосий беағи даражасига кўтарилган. Унда фантастик ҳайвонларнинг тасвирини кўриш мумкин. Термиз мақбараларидаги ганч ўймакорлик санъати ўша даврнинг юқори чўққиси деса бўлади. XII асрда муқарнаслар ҳосил бўлади ва кўпгина биноларда

ишланила бошланган. Муқарнаслар оддий ганч ўймакорлигидан фарк қилиб, анча мураккабдир. У тахмон ва бошқа жойларда безак сифатида қўлланила бошланди. Биноларнинг ички қисмларига ишланган муқарнаслар айниқса ажралиб туради. XIII асрда ганчкорлик санъати янада юксалди. Бунга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. XIV-XVIII асрларда ҳам биноларнинг ички томонларини безатишда ганчкорлик санъатидан фойдаланилган. Бу даврларда янги-янги нақшлар яратилди. Биноларда ганч ўймакорлиги, узвий боғланган кошинлар ва тошдан ясалган безаклар кенг ишлатила бошланди. Кошин ва тошдан ўйилган безаклардан фойдаланиш натижасида ганчкорлик аста секин минораларнинг ички қисмига қўлланиладиган бўлди. Унинг ташқари қисмига эса жула кам қўлланилди. Ганч ўймакорлигида машҳур бўлган XVIII аср устаси Уста Мулла Обид, унинг фарзанди Муҳаммад Мусо отасининг касбини қунт билан эгаллаб, ўша вақтда ҳалққа танилганлардан. Муҳаммад Мусо ўғиллари Мадусмон, Исохон ва Юсуфалилар ганчкорликда бир қанча вақт ишлаган, ғишт теришда ҳам обрў қозонишган. Ганчкорликнинг гуллаб яшаган даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Қурилган биноларда халқ усталари ёрқин жилвали бўёқлар билан ганчга жило бердилар. Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси ва Хивада ўзига хос мустақил мактаблар вужудга келди. Ганч ўймакорлиги техникаси кишини қойил қиладиган даражада ўсди. Бухоро безаклари майин, гуллари жуда ҳам нафис, Марғилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга эга, Тошкентники эса қатъий ва ритм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма нақшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фаркланади. XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Ҳаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Ҳаёт Носиров, Уста Ҳожи Ҳофиз, Уста Насруллобой, Уста Абдужалил, Уста

Азим, Уста Омонullo, Усто Ғофир, Уста Иброҳим, Уста Саври, Уста Абдуфаттоҳ ва бошқалар фаолият кўрсатдилар. Аср бошларидаги ишлар эса ўйма рельефли жуда муайян услуб техникаси пайдо бўлди. Рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар қўлланиладиган бўлди. Бойлар, хонлар ва амалдорлар ўзларига саройлар, боғлар ва қасрлар қурдириб, уларни ўйма ганч билан безаттирдилар. XX асрнинг бошларида дипломат амалдор А.Половцев Тошкентда яшарди. У Туркистон археологияси хаваскорлари тўғарагига аъзо бўлиб, шарқ маданиятига жуда қизиқар эди. Шунинг учун у қизига шарқона уй қурдирди. Бино баланд айвон, меҳмонхона, ётоқхона ва бошқа хоналардан иборат эди. А Половцев ўзбек халқи санъатини яхши биладиган этнограф М.С. Андреевни безак ишларига бошлиқ қилиб тайинлайди. У ўзбек халқи санъати намуналарини йиғиб, уларни ўрганишга ҳаётини бахш этган ажойиб этнограф олим эди. Бу бинони безашга Тошкентдан ташқари Фарғона, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан ганч ўймакорлар, ёғоч ўймакорлар ва наққошлар таклиф қилинган эди. Шулар жумласидан Уста Ширин Муродов, Уста Арслонкул Назаров, Уста Усмон Икромов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқа ганч ўймакорлар ҳам бор эди. М.С Андреев ганчкорлик ишларини усталарга тақсимлаб берди, чунончи Тошкент усталарига айвон, меҳмонхонанинг шарқий ва шимолий деворлари, тоқча, ғарбий ва жанубий деворларни безатиш Бухоро усталарига топширилди. 1902-1903 йилларда европача қурилган уй ўзбек миллий безагида пардоз қилинди. Бинонинг айвон, катта зали ва ётоқхонаси жуда жимжимадор қилиб безатилган. Айниқса, Тошкент ганчкорларининг ишлари ўзига хос ҳарактерда бўлиб, ўйма нақш композициясида катта шоҳбарг ва тўпбарглар йирик жимжимадор қилиб безатилган. Бу ерда пардознинг ҳамма турлари қўлланилган. Деворларга ўйилган ганч ўймакор намаёнлар вертикал ҳамда горизонтал жойлаштирилган, атрофи геометрик, майда энсиз занжира, ислими хошия нақшлар билан безатилган. Намоёнлар худди юқорига қараб ўсаётган табиат ўсимликларини эслатади. Пардоз турлари хонага тушаётган ёруғлик

ҳисобига жуда ўринли танланган. Деразадан тушадиган ёруғлик ўймани янада бадийлаштирган. Намоёнга назар ташлаб турган киши хоҳ узоқдан хоҳ яқиндан қарамасин, у ўзига хос жозобага эканлигини кўради. Албатта, уларни усталар аввалдан ҳисобга олганлар. Намоёнлар худди гўзал табиат манзарасиниг нафис тасвирини эслатади. Ўйма ганч заминлари ажойиб рангларда берилган. Бу бино XX асрнингасрнинг бошларидаги энг кўринган архитектура ёдгорлиги бўлиб қолди.1913-1914 йилларда Бухорода амир Аҳадхон томонидан Ситораи Моҳи – Хоса қурилди. У ганч ўймакорлиги билан безатилди. Айниқса оқ уй меҳмонхонаси ўша даврдаги ганч ўймакорлигининг ажойиб намунаси деса бўлади. Бунда ойна заминида ганч ўймакорлиги бажарилган. У ўзининг нозиклиги, жимжимадор қилиб безатилиши билан ажралиб туради. Мазкур саройнинг безак ишларини Уста Ширин бажарган. Ўша даврда энг кўзга кўринган ганчкор усталардан эди.

Мавзу: Композициянинг бадиий воситалари.

Ўзбек халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жамиики нақшлар борки, улар табиатни ва воқъеликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун-қоидалар табиатнинг ўзидан олинган. Ўсимликлар фақат бир томонга қараб ўсадилар. Масалан, мажнунтол, худди пастга қараб тескари ўсаётгандек туюлади, лекин ҳақиқатда эса, у илдиздан тана, танадан новда, новдадан барг бўлиб, бир томонлама йўналишда давом этиб келади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ўз аксини топган. Уста чизадиган нақшлар қоғоз бетини шунчаки тўлдириш эмас балки, онгли равишда табиат ва бадиийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда манзара тасвирини чизиш тушинилади. Шунинг ганчкор ижодида энг қийин ва энг маъсулиятли босқич композиция нусхасини чизишдир. Агар нақш композицияси табиат қонунига зид бўлса, ўйишда ва пардозда ҳар қанча ютукқа эришса ҳам иш кўнгилдагидек чиқмайди. Дафъатан қараганимизда ўйма нақш жуда чиройли, жозибадор кўринади, бироздан сўнг ундаги нуқсонлар сезилиб қолади.

Композиция нима? **Композиция** – лотинча сўздан олинган бўлиб, тўқиш, бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш. Композиция ишлашда симметрия, асимметрия, компановка, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги, пардозларнинг ва рангларнинг уйғунлиги каби копаненталарни ўз ичига олади. **Компановка** (жойлаштириш) -чизиш керак бўлган нақшни ёки бирор тасвирни қоғозга ганч фанер ёки бирор юзага тўғри жойлаштириш. **Симметрия**—грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига муносиблиги. **Ритм**—нақш элемен-тини маълум масофада бир текисда такрорланиб келиши бўлиб, нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди. **Ассиметрия**—композицияда симметрик мувозанатнинг бузилиши. **Стилизация**—табиатдаги ўсимлик, ҳайвон ва бошқаларнинг тасвири, ранги,

шакли, шакли ва тузилишини бадий усулда умумлаштириш. Нақш композиция чизишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. а) таноб ёки новда тагидан гул, ғунча, барғни қолдириб тасвирлаш мумкин эмас;
2. б) танобни новдадан фарқлаб тасвирлаш;
3. в) тақсимда ортиқча нусха чизиб қўймаслик;
4. г) танобдан ҳеч қачон гул, новда, ғунча
5. ва бошқалар ўсиб чиқмаслиги;
6. д) нақш элементларининг нисбатини сақлаш;
7. е) ганч ўймасига мослаб нақш композициясини тузиш;
8. э) нақш зичлигига эътибор бериш;
9. и) нақш орасидаги замин бўшлиқлар нисбатини сақлаш ва ҳоказо.

10. Ўрганган нақш элементлари асосида оддий нақш композицияларини тузамиз. Симметрик нақшлар тузмоқчи бўлсак, аввал қоғозга масалан, 35*40, 40*40 см ва бошқа ўлчамда схема чизиб олиб уни симметрик тўрт бўлакка бўлиб, бир бўлагига нақш чизамиз. Бу бўлакни наққошликда раппорт деб юритилади., яъни нақшнинг такрорланадиган энг ҳарактерли қисми. Нақш композицияларидан бир нечта чизиб машқ қилинади. Чизилган нақш композицияларидан энг яхшиси танлаб олинади. Четига занжирлардан бирини хошия тариқасида қўллаш ҳам мумкин. Агар занжира қилмасангиз четидан албатта рамка қолдириш. Рамкасиз нақшни безатилмаган уйга ўхшатиш мумкин. Тузган нақш композицияни калька (хитой) қоғозга кўчирилиб ахтаси тайёрланади. Маълум ўлчамга мўлжаллаб, икки қават, яъни ганч ва гул ганч қилиб қуйилади. Ганч плита тайёр бўлганидан кейин унинг устига нақш композицияси ахта ва хока ёрдамида туширилади ёки қўлда қора қаламда тўғридан-тўғри чизиш мумкин. Нақшнинг ўйиладиган чегара чизиқларини скальпелда тирнаб кесиб чиқилади. Чунки ганчни ўйиш жараёнида чизиқлар ўчиб кетиша ёки ўйма нотўғри ўйилиши мумкин. Нақш заминини скальпелда ўйиб, искана ёрдамида унинг замини текислаб чиқилади. Ўйма рельефига мос пардоз

тури берилади. Масалан, пах пардоз, чока пардоз, лўла пардоз ёки табака пардоз. Айрим ҳолларда композицияда бир неча пардозни бирданига қўллаш ҳам мумкин. Ишнинг сўнггида ўйманинг четига ишланган занжирани ўйиб пардоз берилади. Қуйидаги чизмалар орқали биз ганч ўймакорлиги учун нақш композицияларини тузиш усулларини ўрганамиз. Ганч ўймакорлигида нақш чизиш муҳим аҳамиятга эга. Нақш чизишни яхши билмасдан туриб ганчни ҳар қанча чиройли қилиб ўймайлик барибир сизни етук уста наққош деб ҳеч ким тан олмайди. нақшнинг ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? Бу нақшларни қандай қоидаларга асосланиб қайси тартибда ўрганиш керак? деган савол туғилади. Нақшлар қайси бино ёки буюмни безамасин, ўзига хос услуб ва технология талаб қилади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз нақш турларини пухта урганганликлари учун қаётдаги шодликни ҳам, ҳам кулфатни ҳам жонли чизиқлар, ранг-баранг нақшлар орқали бера олганлар. Албатта нақшлардаги мазмун ва маънони ўқий олиш учун кишида бадиий маълумот, ўзига хос бир санъат бўлиши керак. Нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, элементлари маълум тартибда такрорланадиган ўсимликсимон, геометрик шакллар, ҳайвон, қуш ва бошқаларнинг схематик тасвиридан ташкил топган безак. Ҳар қандай материалга нақш ишлаш мумкин. Чунончи, тошга, ганчга, мисга, ёғочга ўйиш ёки қоғоз, мато, ёғочга, ганчга чизиб, бўяб ишлаш ва ҳоказо. Албатта буларни ишлашдан олдин нақш чизиш геометриясини билиш зарур. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

3-МАВЗУ: АМАЛИЙ САНЪАТДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Режа:

- 3.1. Композиция қурилишлари
- 3.2. Композицияда колорит ечими
- 3.3. Безак ва рангнинг ҳамоҳанглиги

3.1. Композиция қурилишлари

Геометрик нақш яъни гириҳ орқали ҳар бир сайёрани ўз ўқи атрофида ҳаракати ва сайёраларни қуёш атрофида айланма ҳаракатини акс эттирилган. 8,9,10-расмлар. Ушбу ҳаракатлар бутун олам ҳаракатлар тизимини ташкил этади. Ҳаракатлар маълум қонуниятлар тартибида айланиши ҳаётни билдиради. унинг ҳаракатларни озгина ўзгариши фақат бу сайёрага эмас бошқа сайёралар ҳаракатига ҳам таъсир этади. Расмда сайёралар ҳаракати тизими. Бутун олам мураккаб тузилишга эга бўлган спиралсимон ҳаракатлар тизимидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз ўқи атрофида айланиши нуқталар билан ифодаланган.

Муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримда бутун олам ва уни мукамал яратилганлиги ҳақида шундай дейилган. “У (яна) осмонлар ва Ернинг ҳукумронлигига эга, фарзанд туғмаган, подшоҳликда шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчови билан ўлчаб қўган зотдир” .”(Қуръони Карим, Фурқон сураси. 2 – оят.) “Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган...- қуёш, ой юлдузларни ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир.”(Қуръони Карим, Аъроф сураси. 54 – оят.) Яна “Осмонда буржларни барпо қилган ва унда чироқ (қуёш) ва нурафшон ойни пайдо қилган зод баракотли (буюк)дир”

3.2. Композицияда колорит ечими

Ўсимликсимон нақшлар динамик ҳолатда берилиши, бутун олам спиралсимон абадий ҳаракатдан иборатлигини билдиради. Демак инсон ҳар доим комилликка даражасига интилиб, ҳаракат қилиб яшаши кераклигини билдиради. Оқ гуллар руҳий поклик рамзида берилган.Сарик гул эса зиё

гулларига ишора. Ҳаво ранг- тинчлик, коинот, чексизлик. Оқ гул- поклик, гўзаллик. Оппок тўнғиз- ранги оқ бўлсада лекин харом лукма эканлиги яъни хамма нарсалар ҳам оппок бўлсада халол лукма бўлмаслиги уктирилади.

Демак суратига эмас сийратига қара дейилмоқчи. Яшил ранг – табиатни, исломни билдиради. Инсонларни ислом йўлида юришларини ишора қилинган. Сарик ранг – зиёни, илмни билдиради.

3.3. Безак ва рангнинг ҳамоханглиги

| Т.р. | Рамзлар | Маъноси |
|------|--------------|---|
| 1. | Яшил ранг | Она табиат, ислом рамзи |
| 2. | Мовий ранг | Осмон, коинот, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи |
| 3. | Қизил ранг | Ғалаба, олов, илиқлик, хурсандлик, шодлик, қон |
| 4. | Сарик ранг | Муқаддаслик, ёруғлик, куёш, кенглик |
| 5. | Қора ранг | Мотам, чексизлик, мавхумлик, кўркув, тушкунлик, ноаниқлик |
| 6. | Зангори ранг | Олий эътиқод |
| 7. | Оқранг | Поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омад |

Безак қалбидаги гўзалликни чизик, шакл ва ранг тили билан халқига етказди. Ушбу гўзаллик инсонларнинг руҳини кўтаради, қалбида ҳаётга муҳаббат уйғотади. У инсонларни эстетик ва ахлоқий руҳда тарбиялайди. Симметрик нақш гўзаллиги орқали инсоннинг тил гўзаллиги билан дил гўзаллиги ҳар доим мос келиши кераклиги тараннум этилади. Бу нақшинкор безаклар инсонларни фоний дунёда гўзал амаллар қилишга, фақат эзгу ишлар билан шуғулланишга ундайди. Кимдандир боғ, яна кимдандир мадраса, масжид, кўприк, шогирд, илм, китоб ва бошқалардан эзгулик қолиш фарзлигини нақш тили билан сўзлайди. Энди тасвирдаги шакл ва рангларни рамзий маънода ўқиб чиқамиз

Ислимий нақшлар – она табиат, табиатнинг гўзаллиги, ноз-неъматлар. Тўлқинсимон ислимий нақш ҳаётнинг нотекислиги, ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Буларда ҳикмат аломатлари бор. Инсоннинг куни ва

туни, вақтнинг ўтишини, яъни умр ўтишини рамзий англатади. Шунинг учун инсон ҳар бир дақиқани ғанимат билиши шарт.

Оқ гуллар орқали табиатни покиза сақлашга, инсонни рухий покликка ундайди.

Яшил ранг – ислом дини, эътиқоди, имон бутунлиги, улуғлик, валийлик рамзи, табиатни, она ерни билдиради.

Ҳаво ранг – коинот чексизлиги, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи эканлигини англатади.

Сарик, зарғалдоқ рангли гул – зиё, гўзаллик, дунё гўзаллиги, қалб гўзаллиги.

Ҳаво рангли навда – инсон ҳаёт чизиғининг ниҳоятда нотекислигини англатади.

Сарғиш зарғалдоқ рангли навда – инсонларнинг зиё йўлида юрган ҳаёт чизиғини ва бу йўл олтинга ўхшаш гўзаллигини билдиради.

Намоён – кўриниш, комиллик, яъни инсоннинг мустақил комилликка эришганлик даражасини кўрсатади.

4-МАВЗУ: АМАЛИЙ САНЪАТ КОМПОЗИЦИЯСИДА РАНГЛАРДАН Фойдаланиш йўллари


Режа:

- 4.1. Амалий санъатда ранг хусусиятларини
- 4.2. Ранглар хақида тасаввурга эга бўлиш.

4.1. Амалий санъатда ранг хусусиятларини

Намоён нақшининг рангларини таҳлил қилсак, сарғиш зарғалдоқ ранг – зиё, оқ ранг – руҳий поклик, яшил ранг – валийлик, ҳаво ранг – тинчлик ва хотиржамлик, яъни ҳамма рангни кўшиб ўқисак, комиллик даражаси деган маънони билдиради. Намоён комиллик даражаси рамзида ишлатилган. Инсон зиё (илм) орқали руҳий покликка эришади, руҳий поклик орқали эса комиллик даражасига эришади. Олтин нурларини шерда, қуёшда, ислимий нақшда ва намоёнда кўриш мумкин. Инсон зиё орқали оламни билади ва ўзлигини англайди.

Бу рамзий нақшлар тилсиз овозда илм хақида бундай дейди: Аллоҳ таоло Одамга турфа илмларни ўргатган ва бошқа мавжудотлардан фарқлаган.



15-расм. Нақшининг рангларининг илмий таҳлили.

4.2. Ранглар хақида тасаввурга эга бўлиш.

Санъат асарларининг бадий таҳлили орқали талабаларни фикрлашга ўргатиш уларни, таҳлил, синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш хулосалашларнинг маъноларини англаб олишларига керак бўлади.

Фикрлаш – таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари хаёлий ҳаракатлар (операциялар) орқали амалга оширилувчи ақлий фаолиятдир.

Фикрлаш – дарс давомида амалга оширилади, фикрлаш давомида таълим олувчилар ўзлари дуч келган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин ва таҳлил қиладилар, қўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони қўллашнинг янги соҳаларига қадар кенгайтирадилар.¹

Шакллантириш – ривожланиб етилмоқ, аниқ мазмун ёки йўналиш касб этмоқ.

Таҳлил (анализ) – манбани, муаммони, натижани илмий ўрганиш услуби. Бунда тадқиқот объекти фикран ёки эҳтимолий равишда таркибий қисмларга ажратилади ёки объектга мос белгилар ва кўрсаткичлар ҳамда уларнинг алоқадорлиги ўрганилади. Кўрсаткичлар (омиллар) орасидаги боғланишларни ўрганишдан мақсад тадқиқот объектини ифодаловчи кўрсаткичлар сонини камайтириш ва уларни асосий ва иккинчи даражали кўрсаткичларга бўлиш масаласи бўйича ўрганилади.

Таҳлил методи – бунга қуйидаги компонентлар киради:

- маълумотларни ахборат кўринишига келтира билиш;
- ахборотларни англаб идрок этиш;
- маълум ва номаълумларнинг муҳим белги ва муносабатларини ажрата билиш;
- элементларга ажратиш ва бошланғич структурали бирликни топиш;
- алоқларни англаш (элементлар ёки ташкил этувчилар орасидаги) ва тушунтириш ҳамда синтез қила билиш.

¹Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: Фан ва технология. 2009, 540 бет.

Синтез – (юнон synthesis кўшиш, бирлаштириш) синтез, фикр объекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари, сифат ҳамда хусусиятларини фикран ёки амалий равишда бир бутун қилиб кўшишдан иборат бўлган ақлий операция. Масалан, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари кўшилишидан яхлит бир тушунча ҳосил бўлади. Синтез тафаккур ҳамда ҳаёлнинг ижодий фаолиятини ташкил қилади. Синтез бевосита анализ билан ва умумлаштириш таққослаш, системалаштириш каби ақлий операциялар билан боғлиқдир.¹

Таққослаш – нарса ва ҳодисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир.

Абстракциялаш – (мавхумлаштириш) нарса ва ҳодисаларнинг айрим белгиси, сифати ёки хусусиятини фикран улардан айриб олиб, уни мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат ақлий операция. Масалан, билиш процессида табиат, жамият ва айрим кишиларга хос бўлган “гўзаллик” белгисини айриб олиб, уларнинг гўзаллиги тўғрисида эмас, балки умуман гўзаллик, эстетик категория маъносидаги гўзаллик ҳақида фикр юритилади.²

Умумлаштириш – нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунишга бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси.

Умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка (индуктив ҳолат) ўтилади ва улар асосида умумий кўринишдаги тушунча, фикр, ғоя, ҳукм, концепция, таълимот, назария шаклланади.

Фанлар орасидаги ривожланиб бораётган алоқадорлик, ҳамкорлик туфайли бир фаннинг тадқиқот методи иккинчи бирида қўлланилмоқда. Натижада фанларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида синтезлашган, умумлашган янги соҳалари -кибернетика, глобалистика, сенергетика, биофизика, биомеханика, молиявий математика, кибернетик дидактика, ижтимоий психология, эргономика, информатика, сунъий тафаккур каби

¹ Турғунов Қ. Русча – ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1975. 165 бет.

² Турғунов Қ. Русча – ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1975. 6-бет.

ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб фанлар вужудга келмоқда. Натижада илм-фанда янги йўналишлар ва мезонлар яратилмоқда. Улар объектив дунё ҳодисаларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бермоқда.

Умумлаштириш методи – қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: типик фактларни танлаш, материалдаги асосий ёки “бошланғич ҳужайра”ни ажратиш; қиёслаш, дастлабки хулосалар; катта таърифлаш; катта кодлаш; генезисни, ходисанинг ривожланиш диалектикаси ва умумлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (хулоса, тенденция, назария, формула, чизма, модель ва ҳ.к.)

Хулосалаш – тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантикий формасидир. Тафаккурнинг мантикий формаси воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлардан янги ҳукм – хулоса чиқарилади.

Хулоса чиқариш – нарса ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган фикрлар (тушунчалар)нинг ўзаро мантикий алоқадорлиги ва узвий боғланиши асосида ҳосил бўлган умумий янги ҳукм.

Хулосалаш турлари қуйидагилар:






1. Индуктив хулоса чиқариш, яъни хусусий тасдиқлардан (ҳукмлардан) умумий тасдиқларга ўтиш;
2. Дедуктив хулоса чиқариш, яъни умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга ўтиш;
3. Аналогик хулоса чиқариш, яъни моделлаштириш ва уларнинг манбани идентификация қилиш орқали хулосалаш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

5-мавзу: Нақш намуналарини қаламда чизиш.

Ҳар бир нақш маълум қонуниятлар асосида тузилади ва чизилади. Нақшларнинг ўзига хос номлари ва маъноси бўлади. Ҳар бир нақш ва унинг элементини азалдан ота-боболаримиз бирор нарса ва воқеяликнинг рамзи тариқасида тасвирлаб келганлар. Масалан – рисқ гулини осойишталик ва умр узоклик, жингалак нақшлар эса тўкин – сочинлик, бойлик, Анқо – (қуш) кишига бахт келтирувчи ва ҳоказо.


Масалан, “гули бодом” нақшини олайлик. У бодомнинг маълум масофада ритмик такрорланишдан ҳосил бўлади. Яъни нақшнинг асосини бодом ташкил этади. Шунинг учун усталар бу нақшни “гули бодом ” деб атайдилар.



Гулдон яшаш.

Махсус тупроқ танланиб лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида шакллар ясалади, ясалган гулдон чархдан олиниб қуёш ҳароратида қуритиб олинади. Кейин эса махсус печда устига анғоб бериб қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва пардоз берилган гулдон печда 1200°C ҳароратда пиширилади.

Шу тариқа турли ҳажмдаги гулдонлар тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Косалар

тайёрлаш.

Махсус тупроқ танланиб лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида коса шакли ясалади. Тайёр буюм чархдан олиниб, аввал қуёш ҳароратида қуритиб олинади. Сўнгра махсус печда 200°C ҳароратда қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва коса печда 1000°C ҳароратда пиширилади.

Шу тариқа турли ҳажмдаги коса ва косачалар тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Пиёла тайёрлаш.

Махсус тупроқ танланиб лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида пиёла шакли ясалади, ясалган пиёла чархдан олингач ёрилиб кетмаслиги учун қуёш ҳароратида қуритиб олинади, сўнгра махсус печда 100° С ҳароратда қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва Қуритиб олинган пиёлалар печда 1000° С ҳарорат остида пиширилади.


Шу тариқа турли ҳажмдаги пиёла ва пиёлачалар тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Лаган тайёрлаш.

Махсус тупроқ танланиб, косагар лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида лаган шакли ясалади, ясалган лаган чархдан олингач ёрилиб кетмаслиги учун қуёш ҳароратида қуритиб олинади, сўнгра махсус печда қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва махсус печда 1200° С ҳарорат остида пиширилади.

Шу тариқа турли ҳажмдаги лаганлар тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Товоқ тайёрлаш.

Махсус тупроқ танланиб, косагар лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида товоқ шакли ясалади, ясалган товоқ чархдан олингач ёрилиб кетмаслиги учун қуёш ҳароратида қуритиб олинади, сўнгра махсус печда хона ҳароратида қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва печда 1200⁰ С пиширилади.

Шу тариқа турли ҳажмдаги товоқлар тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Хумча тайёрлаш.

Махсус тупроқ танланиб, косагар лой тайёрланади. Кулолчилик дастгоҳида хумча шакли ясалади, ясалган буюм чархдан олингач ёрилиб кетмаслиги учун қуёш ҳароратида қуритиб олинади, сўнгра махсус печда хона ҳароратида қуритилади. Қуриган буюмга нақш чизилиб, ранг ва сирлар берилади ва печда 1200⁰ С пиширилади.

Шу тариқа турли ҳажмдаги хумча тайёрлаш кўникмаси ҳосил қилинади.



Кошин устига бериладиган сирни тайёрлаш.

Хоразм бадий кулол усталари қадимда ўзига хос сирни тайёрлаш технологиясига эга бўлганлар. Улар кошин, бодия хум ва бошқа кулолчилик маҳсулотлари устига берилган. Сирни тайёрлаш учун ёзнинг жазирама иссиқ ойларида кўхна Урганч томонларидаги қум этакларига чиқиб ҳафталаб чоғон ўсимлигини тўплаб уни ёқиб, кулини олиб келганлар. Ҳозир бу ўт жуда камайиб кетган. Бу ўсимликдан ташқари қора ўроқдан ҳам фойдаланган. Сентябрь ойларида қора ўроқ айна ширачга тўлган вақтида фақат яшил патини ёқиб кулидан ишқор тайёрлаганлар. Устахонага олиб келтирилган чоғон ва қора ўроққа қум аралаштириб қўлни намлаб гувала қилинади ва хумбузга қўйилади. Ҳамда уни юқори даража иссиқликда қиздирилган. Натижада у тошга айланади. Кейин эса иккинчи марта хумбузнинг тоқчасига қўйилади. Юқори даражада қиздириш натижасида у пастки охирага оқа бошлайди ва у оппоқ рангга ўтган бўлса тайёр бўлган деб ҳисобланади. Агарда у қорамтир тусга бўлса шу жараён яна қайтадан давом эттирилади. Ҳосил бўлган оқ тошсимон ишқорни тегирмонда ун ҳолига келтириб майдаланади. Бу ишқор унига янги буғдой унидан атала пишириб қозонда қориштирилади. Қозонга сув солиниб булғаб суюқлик ҳолига келтирилади. Ҳосил бўлган хом ашё табиий ***ишқор сир*** деб аталади. Табиий ишқор сирдан тайёрланган маҳсулот юзига чўмич билан берилдаи. Печда бу сир 1000-1200 даража иссиқликда лойга шундай киришиб кетадики у иссиқликка ҳам, совуқда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайдиган бўлиб қолади. Кулолчиликка хос бўёқлар тайёрлаш ҳам ўзига хос технологиясига эга.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар, яъни Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фирдоуси, Рўдакилар етишиб чикди. Бутун дунёга машхур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. XIII асрда мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё худудида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади





Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислана борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини яшадан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар. XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб /иждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди.

1932 йилда Тошкентда ўқув ишлаб чиқариш ташкил этилиб у ерда халқ амалий санъати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. Кулолчилик сир-асрорларини машхур кулоллар ёшларга ситкидилдан ўргатдилар. Булар Риштонлик Муҳаммад Сиддик, Усмон Умаров, Тошкентлик Туроб Миралиев, Шахрисабзлик Рустам Эгамбердиев, Карим Хазраткулов ва бошқалар эди. Айниқса кулолчилик тадбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Хоразм кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшган усталардан бири Раимберди Матжанов-Хоразм бадий кулолчилик мактаби Ўзбекистон амалий безол санъатида алоҳида ўрин тутди. Кулолчилик мактаби Тошкент, Андижон,

Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилик мактабидан ўзига хос яшаш усули, технологияси, нақш композицияси, колорити, динамиклиги билан кишиларда алоҳида ўрин тутди. Раимберди Матжанов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулолчи оиласида дунёга келди. Ўша даврда Мадир қишлоғида ўн беш кулолчилик устахонаси бор эди. Матжон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сир-асрорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил ўйинчоқлар шакиллар ясайдиган бўлди, кейинчалик ихчам бодия, кошинни ўрганди.

Назорат учун саволлар.

1. Кулолчилик санъати қачон пайдо бўлган?
2. Кулолчилик чархи қачон ихтиро қилинган?
3. Кулолчиликка ҳисса қўшган усталар кимлар?
4. Кулолчилик санъати қаерларда ривожланган?